Ислом КАРИМОВ:



ОТА ЮРТИМИЗ ТУРКИСТОН – КАТТА БИР УЙ, БУЮК БИР РЎЗҒОР, БУЮК БИР ОИЛА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 ноябрь, сешанба. №142. (21.905) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болалар тўғрисида давлат ғамхўрлигини кучайтириш мақсадида:

1. 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар қўпайтирилиб, бу нафақалар болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:

— бир болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 30 фоизи;
— икки болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 60 фоизи;
— уч болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 80 фоизи;
— тўрт болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 100 фоизи;
— беш ва ундан кўпроқ болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 120 фоизи;

2. Болали оилаларга нафақалар оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида» 1995 йил 27 мартдаги Фармонининг 1-банди 1996 йил 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 ноябрь.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан партия ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ишларини ўюштиришга доир вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, таъкидланади Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти қарорида, мустақил мамлакатимиз тарихида муҳим сиёсий воқеа бўлди. Миллий истиқлол ғоялари билан йўғрилган, халқимизнинг давлатчилик соҳасидаги бой анъаналарига таянган, жаҳон ҳамжамиятининг андозаларига мос Асосий Қонунимиз мамлакатимизнинг ҳуқуқий, демократик, адолатли жамиятни бунёд этиш йўлидан қатъий бораётганлигини намойиш этди.

Мана, уч йилдирки, халқимиз ўз Конституцияси асосида яшаб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширмоқда, Ўзбекистонни дунёга танитмоқда.

Асосий Қонуннинг ҳар бир банди, ҳар бир қоидасини ўзлаштириш фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини пухта билиш, уларга ҳамда давлатимизнинг бошқа қонунлар, демократик жамият тартибларига қатъий риоя қилишнинг гаровидир. Фақат қонунлар асосида яшаб, меҳнат қилгандагина биз ўтиш даврининг қийинчиликларини тезроқ бартараф этишимиз, қудратли, халқи тўқ-фаровон, маданий-маърифий Ўзбекистонни вужудга келтиришимиз мумкин.

Марказий Кенгаш Котибияти шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан Асосий Қонун ҳамда мустақил давлатимиз қонунлари, республикамиз Президенти И. А. Каримов фармонлари ва унинг раҳбарлигида юртимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар сиёсати моҳиятини фуқаролар ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилишни ўюштиришни таклиф этди. Ушбу санага бағишлаб, меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида маърузалар, суҳбатлар, мулоқотлар ва бошқа оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, маҳаллий газеталарда туркум мақолалар эълон қилиш, телевидение ва радиода кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил этиш тавсия қилинди.

Котибият Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан ўтказиладиган маъруза, суҳбат, мулоқот, илмий-амалий анжуманларнинг Намунавий мавзуларини тасдиқлади (улар газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Ислом КАРИМОВ:

Бизларнинг аждодимиз бир, азал-абаддан қариндош, қардош, қисматдош бўлиб келганмиз.

Нурсултан НАЗАРБАЕВ:

Біз, ежелден, несібемізортақ халықтармыз. Тарихымыз ортақ, тіліміз ортақ, діниміз ортақ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАЗАҚСТАН ТОҲИКИСТОН ТУРКМЕНИСТАН ҚЫРҒЫЗСТАН

Сапармырат НЫЯЗОВ:

Биз ата-бабаларымызың асырларың давамында дөреден әхли дәплерине хормат гоярыс. Кимиң гечмиши ёк болса, онуң гелҗеги хем болмаз.

Эмомалй РАҲМОНОВ:

Бародарй, дўстй ва равобити иқтисодиеро, ки ниёгонамон асос гузоштаанд, ба шароити нав мусоид сохта, идома диҳем, моро фақат хубиҳо интизоранд.

Аскар АКАЕВ:

Бул биримдик биздин көз карандысыз мамлекеттер катарындагы кудуретибизди бир изге салат, күчөйтүрөт.

БУГУН ТОШКЕНТДА ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ ОЧИЛАДИ.

ТОШКЕНТ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

Мамлакатимиз пойтахти улуғвор байрам шукуҳидан ўзгача маҳобат ва чирой касб этган, 21 ноябрь куни бу ерда Марказий Осиёда истиқомат қилувчи қардош халқлар вакилларининг қурултойи иш бошлайди. Минтақа илмий-адабий жамоатчилигининг ана шундай хоҳиш-иродаси барча дўст ва қардош халқлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Марказий Осиё республикалари таниқли зиёлилардан иборат нуфузли делегацияларини мазкур йирик маданий тадбирда иштирок этиш учун йўлланганлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Шу муносабат билан Тошкент азиз ва муътабар меҳмонларга кенг қучоқ очди.

20 ноябрь куни мамлакатимиз пойтахтининг Ўзбекистонни Қозоғистон билан боғлаб турувчи Буюк ипак йўлида қад ростлаган «Дўстлик дарвозаси» тегараси байрамона тус олди. Дарвоза пештоқида байроқлар ҳилпирайди. Карнай-сурнай наволари остида қозоғистонлик ва қирғизистонлик меҳмонлар тушган автобуслар бирин-кетин кириб келади. Республикамизнинг таниқли зиёлилари — адиблар, олимлар, жамоатчилик вакиллари уларга пешвоз чиқади. Меҳмонларга анвойи гуллар тақдим этилиб, нон-туз тутилади.

Ўзбекистонликлар қардош халқлар вакиллари қурултойида қатнашиш учун пойтахтимизга ташриф буюрган Туркманистон ва Тожикистон вакилларини ҳам ана шундай тантанали кутиб олдилар.

Шундай қилиб, 21 ноябрь куни қадим Турон заминида катта тарихий воқеа юз беражаги кутилмоқда. Шу куни мамлакатимиз пойтахтида ўтажак қурултой Марказий Осиё халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлаш, муштарак анъаналар ва маданиятларнинг ҳамжиҳат ривожланиши бобида янги даврни бошлаб берса ажаб эмас. Ҳамжиҳатлигимиз, бирлигимиз муборак, қардошлар!

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: меҳмонларни кутиб олиш пайти.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ ва А. ТЎРАЕВ, Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган.

Муҳаррир минбари

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!

Янги юз йилликнинг бўсағасида Туркистон халқларининг йўллари бирлашади. Халқларнинг тақдирлари, етакчи ғоялари, ҳурриятлари, мактаб ва китоблари, дорилфунун ва сабоқлари уйғунлашади, янги аср бўсағасида. Юз йилликнинг остонасида халқларнинг осмонлари, тупроқлари, дарёлари, яйловлари бир-бирига қўшилади. Халқларнинг қўшиқлари бир-бирига қўшилади XX аср остонасида. Осмонлар қўшилиб битта баланд ва мусаффо осмонни, тупроқлар қўшилиб Туронзаминни пайдо қилади. Энди туркий эл-элатлар айтган туркуларни тушунмоқ учун тилмочга эҳтиёж йўқ. Энди мутаржимга зарурат йўқ қўшиқни, сўзни, қувонч-кулгуни ҳис идрок этмоқ учун. Қўшиқлар қўшилиб битта забардаст қўшиқ, дарёлар қўшилиб битта катта дарё, маконлар қўшилиб ягона иқтисодий макон пайдо бўлмоқда. Иморатлар бирлашиб, Шарқнинг нақ юрагида бемисл мустаҳкам бир қаср бунёд бўлади. Ҳодисалар қўшилиб дунёнинг нақ марказида тарихий бир ҳодиса содир бўлаётир. Бозорлар қўшилмоқда, созлар, овозлар қўшилмоқда. Энди бу ҳодисани куйламоқ учун шунга яраша соз бер, овоз бер! Энди бу масканни юрагимизга жойлаб, юрагимизда асрайлик! Қадимги пойдевор устида янги Туркистон қад ростламоқда. Эй қари дунё, кўр ва ҳавас қил бизга — АССАЛОМУ АЛАЙКУМ,ТУРКИСТОН!

***

Бугун тунда ухлай олмадим. Тунда осмон янада улканлашиб кеттандек, юлдузлар осмонни янада кенгайтириб юборгандек туюлади. Юлдузлар тартиби — сирли харитага ўхшайди. Шу дақиқада қадим Туркистон тупроғидаги чироғи ўчмаган барча уйларнинг деразаларидан юлдузлар харитасига боқаман. Бутун Туркистон битта одамга, осмон фақат Туркистоннинг осмонига айланиб боради. Мана бу юлдуз Ўзбекистон, бу юлдуз Қозоғистон, буниси — Қирғизистон , бу — Туркманистон, у эса — Тожикистон, дейман ичимда ва уларни бир-бирига боғловчи чизиқ тортиб чиқаман. Бешта юлдузни бир-бирига боғлаб қўяман. Энди улар ҳеч қачон бир-бирларидан ажралмайдилар.

Марказий Осиё минтақасида эллик миллиондан ортиқ аҳоли яшайди... Тағин юлдузларга боқаман. Ва шу бешта порлоқ юлдузни бир-бирига боғловчи эллик миллиондан кўпроқ нурли риштани кўраман. Нурдан бутун Туркистон осмони зиёга чулғанади. Яна яхшироқ қарайман. Ва шу бешта юлдузнинг ғоят қадим замонлардан буён бир-бирига жуда мустаҳкам қилиб боғлангани, бешта юлдузнинг бу тизимини на чақмоқлар, на момогулдураклар буза олмаслиги идроким қатларига етиб келади.

Йўлларнинг энг ёруғи Сомон йўлидир. У Ерни Осмо билан боғлайди. Одам билан Оллоҳ ўртасида кўприкка ўхшайди. Бу ёруғ кўча бешта юлдуз —Туркистон юлдузлари масканидан янада юқорига ўтиб кетади.

Осмон ойдин тортаётган Туркистон иқболидай оқарди. Тонгда кўчага чиқаман. Туркистон осмонига қуёш чиқади. У бутун Туркистоннинг замину самосини бирдан, бир пайтда, бир хил ёритади. Туркистоннинг қуёши — Мустақиллик қуёши. Туркистоннинг қуёши — келажакнинг қуёши.

Йўқ, йўқ, Туркистоннинг ўзи дунёнинг қуёшига ўхшайди. Ахир, ҳар бир туркистонлининг юраги, икки қароғи ва пешонасида чарақлайди-ку шу қуёш! Ахир, Туркистонда қурилаётган катта-кичик ҳар бир уй ўз деразаларини кенг очади-ку шу Қуёшга. Туркистон ўзи Қуёшга қараган битта катта уй эмасми?! Мен Қуёшга салом бераман, Қуёш ҳам таъзим бажо келтиради: «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!».

***

Оламда халқлар бирлигидан кўра қудратлироқ куч йўқ! Бу бирлик янги замоннинг ҳам талаби, ҳам эҳтиёжи. Бу бирлик янги Марказий Осиё давлатларини Туркистон халқларининг саодат манзилларига бошлаб борувчи ягона тўғри йўлдир. Янги замоннинг ягона тўғри йўли — Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий уйғунлашуви. Шунда бешала мустақил давлатнинг ҳам ҳарбий-мудофаа қудратини ошириш, халқ хўжалиги —бутун инфраструктурани ривожлантириш учун кенг уфқлар очилади.

Марказий Осиё минтақаси иқлим шароити, жуғрофий жойлашиши, ер ости ва ер усти заҳираларининг сероблиги, ишчи кучи ресурсларининг кўплиги билан ҳамиша мутараққий давлатларнинг эътиборини тортиб келди. Умуман жаҳонда саноқли бўлган, космик фазони илмий тадқиқ этиш-ўрганиш марказларининг энг йирикларидан бири — Байқўнғир космодроми шу минтақада жойлашган. Ўз космодроми, ўз лентизи, нефть-гази, олтин, қимматбаҳо металлар, кучли энергетика базаси, йирик алюминий заводлари мавжуд минтақада ягона иқтисодий макон барпо этиш ўлканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини кучайтиради. Бу иқтисодий бирлик бизни катта жаҳоннинг катта цивилизациясига қўшади, бирлаштиради. Юксак цивилизация йўлидаги катта жаҳон биз томон юз буришга зарурат, биз билан юзма-юз бўлишга, биз билан ҳисоблашишга ижтимоий эҳтиёж сезмоқда. Ва айтмоқдаки: «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ТУРКИСТОН!».

Асрларча фурсат мобайнида зиёлиларимиз Туркистон рамзини сабр дарахти тимсолида кўриб келдилар. Энди сабр дарахти тимсолига таҳрир киритиш, бешта улкан шохлари бирлашиб, туташиб кетган қудратли чинор дарахтини УМИД ДАРАХТИ деб аташ фурсати етди. Зотан, ана шу умид дарахтини ниҳоллигидан эъзозлаб, унга умр бахш этишда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов карвонбоши эканлиги, қардошларнинг илк Халқаро қурултойига ташаббускор бўлганлиги тарих солномасида мангу муҳрланиб қолади.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, УМИДЛАР ДАРАХТИ — ТУРКИСТОН!

Туркистон — икки дунё эшигидир,

Садриддин АЙНИЙ

ТУРОН МАРШИ

Уйғон Турон эли! Уйғон!
Тўлқинланди илму урфон.

Бошқаланди бутун даврон,
Бошқа даврон, бошқа замон.
Ухламаюр сира жаҳон,
Ётасанми жоҳил нодон?!

Уйғон Турон эли! Уйғон!
Тўлқинланди илму урфон.

Ўзбек, қозоқ, туркман, татар,—
Бир неча эл бўлдинг етар.
Айрилмоқдан ўзни қутқар,
Айрилиқ бил, бошга етар!

Уйғон Турон эли! Уйғон!
Тўлқинланди илму урфон.

Турон ўғли, эр ўғлисан,
Эр ўғлисан, шер ўғлисан.
Юрт ўғлисан, ер ўғлисан,
Чингиз-ла Темур ўғлисан.

Уйғон Турон эли! Уйғон!
Тўлқинланди илму урфон.

Билим иста, мактабда юр,
Билим берар кўнгилга нур.
Кўзингни оч, дунёни кўр,
Бутун дунё деюр: «югур».

Уйғон Турон эли! Уйғон!
Тўлқинланди илму урфон!

Туркистоннинг еринда холи эрмас эранлар,
Ҳар бир қулоч еринда ётур мардон эранлар,
Қутбул ахтоб ҳар бири Туркистондир манзили —
Йиғилсалар бир ерга Туркистонни тузарлар.

Аҳмад ЯССАВИЙ.





БУЮК ҲАЁТИЙ ҒОЯ

Ўзбекистон мустақиллигини тиклагандан кейинги тарихан қисқа вақт ичида муҳим туб ўзгаришлар юз бераётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу борада юртбошимизнинг «Туркистон — умумий уйимиз» билан боғлиқ ғояси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунимиз ва келажак учун сув билан ҳаводек зарур мазкур ғоя ниҳоятда ўз вақтида кўтарилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Зеро, бугунги ўта қалтис, масъулиятли шароитда қийинчилик, муаммоларни минтақа халқларининг якдиллиги ва ҳамкорлиги орқали ҳал қилиш мумкин. Чунки ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб келган халқлардир. Уларнинг ери, тили, дини, бозорию мозори ва дунёқарашлари бир хил бўлиб келган. Улар жисмоний ва руҳий жиҳатдан бир тан, бир жон қиёфасида яратилганлар. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бир катта оила фарзандларидек ўзаро қариндош-уруғчилик, ҳамкорликни қадрлаб, жаҳонни ларзага солган салтанатлар барпо этганлар. Шунингдек сеники-меники дея жой талашмасдан Оллоҳ таоло яратган бу замин баб-баравар барчаникилиги, фикр-мулоҳазасининг устиворлиги кишиларда юксак одоб-ахлоқни шакллантирганди. Бу хусусда ўрта аср муаллифларидан бири шундай ёзган: — Туркистон халқлари жасоратли, сабр-қаноатли, ҳимматли, камбағалларнинг ҳомийси, хушчақчақлик сингари олий фазилатларни ўзларида мужассамлаштирганлар. Улар чет элликларнинг ҳукмронлиги, адолатсизлиги, зулмига қарши курашадиган кишилардир. Туркистон замини катта бойликлар ва имкониятларга эга бўлиб, масжидлар, мадрасалар ва олиму-фозилларнинг сонсаноғи кўп. Унинг энг нодир кўзгуси билим ва донишмандликдир. Шу боис, — деб давом эттиради ўз сўзини муаллиф, — туркистонликлар ўз ватанларини барча мамлакатлардан устун қўйиб ғурурланиш ва фахрланишга одатланганлар.

Туркистонликларнинг бу олий фазилатлари даҳшатли табиий офатларга, чет эл босқинчиларига қарши курашларда ҳам ўз кучқудратини кўрсатди. Чор ҳукуматининг тажовузи йилларида ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар қўлга қурол олиб умумватан учун жангларда жон фидолик қилганлар. Чунончи қозоқ халқининг содиқ фарзанди Содиқ Кенсара ўғли атрофига юртдошларини тўплаб Тошкентда, Қўқон ва Бухоро хонликларида ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар билан биргаликда босқинчиларга қарши қаҳрамонона жанг қилди. Хонликлар қўшинларида барча миллат вакиллари хизмат қилиб, ҳозирги ибора билан айтганда улар орасидан генераллар ва зобитлар етишиб чиққан. Масалан, Бухоро ва Қўқон хонлари қирғиз халқининг буюк қизи Қурбонжонга додхо унвонини берган. Идрокли, жасоратли, ватанпарвар бу аёл Туркистоннинг умумий манфаатини кўзлаб иш юритди. Қўқон хонлигида Алимбек, Худойназар, Дўстмахтар ва бошқа қирғиз ҳарбий саркардалари, амалдорлари бўлгани маълум.

1873—1876 йилларда Фарғона водийсида чор ҳукумати босқинига қарши курашни қирғиз Пўлатхон бошқарганди. Бу воқеа тарихда «Пўлатхон қўзғолони» номи билан машҳур бўлиб, унда ўзбеклар, қирғизлар ва тожиклар бир тану бир жон бўлиб озодлик учун қон тўкканлар. Қозоқлар, туркманлар эса Хива хонлигида салмоқли ўрин эгаллаганликлари маълум. XVIII асрнинг иккинчи чорагида ўзбеклар қозоқ султонларини тахтга ўтказиб, ҳокимиятни биргаликда бошқарганликларини биламиз. Шунингдек, туркманлар хонлик қўшинининг жанговар қисмини ташкил қилиб ташқи душманларга, жумладан чор аскарларига қарши курашларда қаҳрамонлик намуналарини намойиш қилганлар.

Бутун Туркистонни қамраб, барчани оёққа турғизган «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси тарих синовларидан ўтган, мустаҳкам асосга эгадир. У ўтмиш тарихга жон киритувчи, ҳозирги, келажак замонларни таъминловчи битмас-туганмас қудратли кучдир. Шу ўринда машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг барчага ибрат бўла оладиган қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдим: «Мен Қирғизистонда қирғиз, Қозоғистонда қозоқ, Туркманистонда туркман, Тожикистонда тожик, Ўзбекистонда ўзбекман. Зеро, аслида биз буюк бир маданиятнинг меросхўри бўлган ягона халқмиз».

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

ҚОЯ ҚОЯГА СУЯНЧ

Туркистон тизма тоғининг этакларида қатор қишлоқлар сочилган: Янгиариқ, Даҳкат, Овчи, Мужун, Кучкина, Анбарғаз... Гарчанд бу қишлоқлар ҳозирги Тожикистон ўрамига кирсада, аҳолиси ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар... шундан-микан, Туронзамин тилларида баб-баравар сўзлашиб кетаверадиганлари ҳам кўп. Туркистон тизма тоғлари жуда кенг ўрамларда истиқомат қилишган турки халқлар бирлигини, уларнинг муштарак туйғуларини, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган рамзий белгилар каби кўкка бўй чўзиб туради. Унинг бағридан йилнинг тўрт фаслида ҳам ажойиб уфорлар аримайди, турфа гўзалликлар ўзини намойиш этишдан чарчамайди. Ҳу-ув тоғнинг пинжига кириб кетган қишлоқда тожиклар истиқомат қилишса, нарироқдагисида ўзбеклар яшашади. Тегирмонлари бир, тўймаўракалари бир, урфу одатлар-ку умуман фарқ қилмайди; шу боисдан, билгич шоирларимиздан бири ўзбегу тожикларни «икки тилда сўзлашувчи бир халқ» деб атаганда жуда ҳақ эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

Бормоққа не маскан муяссар,
Турмоққа не давлат муқаррар,

дея саросар кезган чоғларда Туркистон тизмалари бир неча бор унинг жонига аро кирганини яхши биламиз.

Улуғ шоир қадами етганидан бу қишлоқларнинг аҳолиси фахрланиб келишади. Ҳатто тоғ бағридаги қишлоқларнинг бирини Бобурчак деб, шоир номи билан аташади. Бобурчакда тожиклар яшашади: шунинг ўзиёқ, икки халқнинг бир тану бир жон эканлигини билдирмайдими!

Анбарғаз қишлоғи далаларининг нариги томони Қирғизистоннинг Лайлак туманига туташиб кетса, бу томондан Бекобод билан қўшни. Учта республикани туташтириб турган нуқта каби.

Анбарғаз жамоа хўжалигининг раиси Гадойбой ака Мавлонов кўпни кўрган, узоқ йиллар мактабда ишлаган.

— Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар деб бежиз айтишмаган, — дейди у. — Кўриб турибмиз, Совет Иттифоқи тўзиб кетганидан кейин ўзини мустақил санаган кўп республикалар ҳамон ўнгланолмай ётипти. Иқтисодий алоқаларни бундай узиб ташламаслик керак эдими, дейман-да.

Гадойбой ака хаёлга чўмади. Уруш даврида у ўспирин йигитча эди. Лекин, оғир ҳаётнинг машаққатлари, изтироблари унинг ўй-хаёлларини, феъл-атворини аллақачонлар шакллантириб, катта одамга айлантирган эди.

— Фронт ҳақида кўп китоблар ёзилган, кинолар ишланган. Асосий оғирлик аслида фронт ортида эди...

— «Ҳамма нарса фронтга» деган шиор бўлган-да...

— Албатта. Фронт учун ишлардик. Ўзимиз очу наҳор бўлсак-да, жанг қилаётганларга юборардик. Бир ҳовуч буғдой олиб кўрингчи! Ўзингиз учун машоқ теришгаям рухсат йўқ эди. Аёллар буғдой ўришар, поялашар, бир жойга ғарам қилишарди. Биз хўп ҳайдардик. Чарчаб, бир неча марта отдан тушиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Аёллар кундуз куни ўришганини кечаси хирмонга ташишарди. Ўйлардикки, бундай машаққатлардан кўра милтиқни тўғрилаб душманни отиш осонроқ-ку, деб. Азбаройи худо, ғалабани ўзимиззи ана шу аёллар қозонишди-ёв!

— Қорин тўйғазиш армон эди денг...

— Нимасини айтасиз. Бир тандир нон еб ўлсам қанийди, деган гапни ўзим эшитганман. Биласизми, ҳаётда муҳим нарса нима? Одам ўзини сақлаб қолиш. Шаънини деймизми, ор-номусини деймизми — хуллас, одам ўзини сақлаб қолиши қийин. Аммо-лекин, халқ ўлмас экан, мана шундай синовларда халқ янада бақувватлашиб, бир-бирларини кўпроқ аяб, бир-бирларига кўпроқ меҳр-оқибат кўрсата бошлашар экан.

Гадойбой ака тин олади. — Энди-и ука, гапиравер-сак гап кўп, — дейди бироз сукутдан кейин. — Ҳозир давр ўзгарди. Замонни кўриб турибсиз. Шунинг учун «Туркистон — умумий уйимиз» деб айтилган гап жуда бамаъни! Энди ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қозоқ ва ўлкамизда яшаётган бошқа миллатлар ҳам шу гапни кўнгилларига жо қилишлари керак. Умр ўткинчи, аммо, халқ ўлмайди. Халқни ўйлаш керак. Баҳамжиҳат бўлсак, тинчлик, осойишталик бўлса, ҳамма ниятларимизга етгаймиз, иншоолоҳ!

Яқинда Дўрмонда бўлиб ўтган ёш ижодкорлар семинарининг наср кенгашида халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов Туркистон халқларини бирлаштириш учун зиёлилар якдил бўлиши кераклигини, бунинг учун маданий алоқаларни кучайтириш лозимлигини куюниб гапирди.

— Энг аввало Туркистон ёзувчиларининг ягона уюшмасини ташкил этиш керак, — деди у. — Токи ёзувчиларимиз ўз қобиғларига ўралашиб қолмасдан, Турон заминда истиқомат қилишаётган барча халқларнинг дарду қувончларидан, муаммоларидан хабардор бўлиб туришсин. Бешала республика ёзувчиларининг ҳам энг яхши асарларини босиб туриш учун ягона журнал ташкил этиш керак.

Ҳақиқатан ҳам, наинки минтақа, балки, дунё халқларини бир-бирларига яқинлаштириш учун ҳам санъатнинг, адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Адабиёт ўз миллати тимсолида дунёвий масалаларни ўртага қўяди, инсон кўнглининг энг нозик пардаларини чертади. Санъат ва адабиётга худди Туркистон тизма тоғлари каби улуғворлик, бағри кенглик жуда-жуда ярашади.

Шойим БЎТАЕВ,
ёзувчи.

Бугун илм боқимидан собит бўлган бир ҳақиқат бўлса, бу ҳақиқат туркча сўзлашадиган турк уруғларининг бирлигидир. Турон тушунчаси «тур»лар, яъни туркларни ичига олган бирликнинггина отидир. У ҳолда Турон сўзини бутун турк уруғларини ўзида мужассам этган Буюк Туркистонга нисбатан ишлатмоқ керак.

Зиё КЎКАЛП.

УМУМТУРКИСТОН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Интеграция байналмилал воқелик. Бундан Туркистон истисно бўлиши мумкин эмас. Туркистон элидаги иқтисодий алоқаларни эндиликда икки омил белгилайди: биринчиси, бу ерда 5 та мустақил давлатларнинг ташкил топиши ва улар миллий манфаатининг мавжудлиги. Иккинчиси, уларнинг янги тизимига — бозор иқтисодиётига ўтиши.

Бозор иқтисодиёти очиқ иқтисодиёт бўлар экан, у ўзаро интеграцияни тақозо этади. Маълумки, интеграция иқтисодий фаолият турларини ўзаро чирмашиб, бирлашиб кетгани ҳолда ягона иқтисодий жараёнга айланишини англатади. Ҳозирги босқичда интеграция корхона ва тармоқ доирасидан, ҳатто миллий чегарадан чиқиб халқаро мазмун кашф этган. Бу — интеграциянинг олий шаклидир. Аммо унга эришиш йўлидаги муҳим поғона бу Туркистондаги давлатларнинг иқтисодий интеграцияси бўлади. Умумтуркистон интеграцияга имкон берувчи қуйидаги шарт-шароитлар ҳам бор:

Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий даражаси оздир-кўпдир, лекин бир-бирига яқин туради. Уларнинг даражаси ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада албатта. Даражаси яқин турган мамлакатлар интеграцияси юз берганда, бу миллий мамлакатларга мос келишини тарихий тажриба тасдиқлади.

Мазкур мамлакатлар ягона ҳудудда жойлашган, иқтисодиётнинг табиий шароитида ҳам умумийлик бор. Хусусан бу ерда ягона сув манбаларига таянган суғорма деҳқончилик иқтисодда катта ўрин тутади, унинг мавжудлиги саноатда ҳам умумий қиёфа беради.

Туркистон халқларининг этник, тарихий ва турмуш тарзи жиҳатидан умумийлиги бор. Бу ердаги демографик вазият ҳам умумий белгилар билан ажралиб туради.

Марказий Осиё давлатлари ёнма-ён жойлашгани туфайли уларнинг коммуникациялари ҳам боғланган. Бу ердаги ишлаб чиқариш инфраструктураси бир-бирини тўлдира олади. Бу давлатлар мана шу инфраструктурага таяниб жаҳон бозорига чиқиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатларидаги ишлаб чиқариш структураси (таркибий тизими) ҳам бир-бирига яқин. Бу мамлакатлар хом ашё етказиб, тайёр маҳсулотларни киритиб келганлар. Уларнинг барчаси олдида мана шу қолоқ ва миллий манфаатга жавоб беролмайдиган структурани қайта қуриш керак ва бунга интеграция орқали етишиш мумкин. Айтилган умумийлик интеграцияга қўл келади. Аммо интеграция механизми ўзгарганлигини назарда тутишимиз керак.

Бу ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир.

Аҳмаджон ЎЛМАСОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Қозоқ дўмбираси

Қирғиз шунқори

Туркистон — ер йўркунуз бешигидир!





Туркистон мустақил ҳамда жонли бир вужуддир. Туркистон ўзига ўзи эга бўлган кун ўз буғдойини ўзи ейди, ўз пахтасидан бўлган газмолини кияди, завод-фабрикалари учун ёқилғиси, кўмири етарлидир. Ўз мудофааси учун ўз порохидан, ўзининг миси ва темиридан фойдалана олади. Туркистон учун Ўрта Осиёда тинч ва осойишта яшамоқ энг буюк маслакдир.

Заки ВАЛИДИЙ.

БИР ДАРАХТНИНГ ИЛДИЗИ

Олтмиш қишлоғи Туркманистоннинг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонга чегарадош Тошовуз туманида жойлашган. Туркманчасига айтганда, Тошовуз—этрофига тегишли. Қишлоқнинг номини эшитганларда қизиқиш уйғонади. Нега Олтмиш? Бу ҳақда эл орасида ривоятлар кўп. Биттасини айтай: жуда қадим замонда бир гуруҳ гурланликлар ўзларининг золим хонларига қарши исён режасини тузганлар. Лекин ораларидан хоин чиқиб, сирлари ошкор бўлиб қолган. Уларни жазолаш учун фармон келадиган тунда исёнчиларнинг бир қанчаси Арна (Катта ёп)дан ўтиб, ана шу қишлоқ ўрнидаги қумликка беркинган. Шу ерда кўп машаққатларга чидаб яшаганлар. Хон ўзгариб, бошларидан хатар кетгач, ўзларига паноҳ бўлган қумлик ерни Арнадан сув келтириб, обод этганлар. Исёнчилар дастлаб келганларича фарқ қилиши, айнан гурланликларга жуда ўхшаб кетиши бу ривоятда бир қадар ҳақиқат борлигини далиллайди.

Олтмишликларнинг кўпчилиги зиёли, китоб ўқишни яхши кўрадиган, санъатга ихлосманд, ҳар тўрт нафардан уч нафари ашула айтишни биладиган, орасида доирачи-ю қизиқчилари ҳам бор. Бироз сиёсатга ҳам қизиқадиган одамлар. Аммо уларнинг асл касби деҳқончилик. Кўп замондан буён сабзавотчилик билан да олтмиш нафар киши бўлган экан. Шу-шу бу жой олтмиш деб аталган эмиш. Ҳали-ҳануз бу қишлоқнинг бир тарафи қумлоқ эканлиги, шеваларининг шу тумандаги барча қишлоқлардан анча фарқ қилиши, айнан гурланликларга жуда ўхшаб кетиши бу ривоятда бир қадар ҳақиқат борлигини далиллайди.

Олтмишликларнинг кўпчилиги зиёли, китоб ўқишни яхши кўрадиган, санъатга ихлосманд, ҳар тўрт нафардан уч нафари ашула айтишни биладиган, орасида доирачи-ю қизиқчилари ҳам бор. Бироз сиёсатга ҳам қизиқадиган одамлар. Аммо уларнинг асл касби деҳқончилик. Кўп замондан буён сабзавотчилик билан шуғулланадилар. Бир фаслда камида уч бор экин экиб, уч бор йиғиштириб оладилар. «Олтмишликлар иложи бўлса, қуёшни қишда ҳам булутга илиб қўйиб, гашир (сабзи)-пиёз экиб, оқ ҳаммасини яхши кўрадиган халқ. Шунинг учун қизлари талаш. Бир ёғи Беруний, бир ёғи Қаршигача қизларини келин қилишарди. Бола-часи ҳам Туркманистон олий ўқув юртлари билан баробар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим олишиб, касб-ҳунарли бўлишарди. Улар бугун ҳамма озод бўлган миллатлар қатори ўз юртлари озодлигидан қанчалар қувонишсада, ўзбекистонлик ўзбеклар билан аввалгидай яқинликни соғинардилар. Президентимиз кун тартибига қўйган шиор эса улар интиқ бўлган дамлардан дарак эди.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — дейман мен умид билан.

Тўғрисини айтиш керак, олтмишликлар кўпроқ қишда, кеч кузда деҳқончиликни йиғиштириб хотиржам ўқишарди. Болалари ҳам Туркманистон олий ўқув юртлари билан баробар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим олишиб, касб-ҳунарли бўлишарди. Улар бугун ҳаммайлик», дея огоҳ қиладилар. Ҳа, олтмишликлар шунақа дангал, тўғриликни яхши кўрадиган халқ. Шунинг учун қизлари талаш. Бир ёғи Беруний, бир ёғи Қаршигача қизларини келин қилишарди. Бола-часи ҳам Туркманистон олий ўқув юртлари билан баробар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим олишиб, касб-ҳунарли бўлишарди. Улар бугун ҳаммаси озод бўлган миллатлар қатори ўз юртлари озодлигидан қанчалар қувонишсада, ўзбекистонлик ўзбеклар билан аввалгидай яқинликни соғинардилар. Президентимиз кун тартибига қўйган шиор эса улар интиқ бўлган дамлардан дарак эди.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — дейман мен умид билан.

Тўғрисини айтиш керак, олтмишликлар кўпроқ қишда, кеч кузда деҳқончиликни йиғиштириб хотиржам бўлгандан кейин тўйлар қилишади. Тўйларида барча Туркистон халқларига ўхшаб келинчакни аввал оловдан ҳатлатиб, уйга олиб киришади. Тўй қур (тўй давраси)да баланд машъалалар ёқилади, саломлар айтилади:

Бош ўрови челакдай,
Ёпган нони элакдай
Қайнонасига салом.

Оқ айвоннинг ўраси,
Йигитларнинг тўраси
Қайнотасига салом...

Саломларда ҳамма нарса бор: ҳазил, ҳақиқат, тегишма...

...Мен Олтмиш ҳақида ёзаверсам, ҳали-бери битмайдиганга ўхшайди. Чуқурроқ ўйласам, қадим ва шавкатли Туркистоннинг ҳар бир қишлоғи ҳақида шундай айта оладигандай, ёза оладигандайман. Бу — яна ўша қон-қондошлик берган азиз ҳиссиёт бўлса керак.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
шоира.

Омондурди ОННАДУРДИЕВ

***

Ёрлигим билиб ёнинг бир ёр учун ёнсангиз,
Зорлигим билиб ёнинг дийдор учун ёнсангиз.

Иқрори ёлғонмасми, ўзга сўз ёлғонмасми,
Дўстларим, билинг ростни, иқрор учун ёнсангиз.

Дийдама дийда бўлинг, ғам куни пайдо бўлинг,
Булбули шайдо бўлинг, гулзор учун ёнсангиз.

Ишқ деган жодумидир, ўзганинг ўтимидир,
Шунчалар ёғдумидир, гулёр учун ёнсангиз.

Оҳ, дедим, оҳлар дедим, кўп-ку гуноҳлар дедим,
Куйсин гумроҳлар дедим, озор учун ёнсангиз.

Бу оҳимдан жон куйган, ер куйган, осмон куйган,
Мени эсланг бир куйган абгор учун ёнсангиз.

Мен эмас, Омон дўстим, эй ҳоли ёмон дўстим,
Ўтимда жаҳон, дўстим, бедор учун ёнсангиз.

Туркманчадан Йўлдош ЭШБЕК таржимаси.

БЕШ БАРМОҚНИНГ САЛМОҒИ

Туркистон халқларининг бир дастурхон атрофида бирлашуви кўп йиллар орзу қилиб келган энг ёруғ ниятимиз эди. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, «Биз ҳозир тарихнинг тамомила янги босқичида турибмиз. Ҳар бир миллат, ҳар бир маданият, ҳар бир миллий адабиёт ўзига хос анъаналарни сақлаб қолиши лозим. Аммо бу ишни ўзга адабиётлар, бошқа маданиятлар ҳамкорлигисиз бажариб бўлмайди».

Бугун бир ҳақиқат аёнки, ўзига хос бўлган анъаналарга эга бўлган, илм-маърифат, қолаверса, ҳам дини, ҳам дили бир қондош бу халқлар битта мушт бўлиб бирлашиб ҳаракат қилмаса, ўзларининг ижтимоий тараққиётларини тўла таъмин этишлари қийин.

Агар қадимий Туркистон тупроғида яшовчи халқларнинг умуминсоний қадриятлар ва умумэтник маданият анъаналари асосида қўлни-қўлга бериб бирлаштирсак, беш бармоқдай кучлари бирикса, қутлуғ замин сарҳадларидан ошиб минтақада яшовчи барча этносларнинг номлари дунёга тарқалиши мумкин. Агар биз инсон маънавияти ва маданиятининг ҳар томонлама равнақ топишига имкон яратиб, унинг тирикчилигининг бош мазмуни руҳий ва маънавий ҳаёт эканлигини чуқур тушуниб, халқимиз қадрини қанча юқори кўтарсак дунё маданияти тараққиётига зўр ҳисса қўшган бўлар эдик. Бунинг заминида бутун минтақада осойишталик, дўстлик, ҳамкорлик ва бирлик ҳукмрон бўлиши шарт.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдир!

ФИТРАТ.

УЛУҒ НИЯТ БИРЛАШТИРАР

Ўзбекистонда 120 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Зеро, миллатлар тотувлиги — юрт бойлигидир.

«Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг авж олиши республикамиз ҳудудида асрлар мобайнида яшаб келаётган қирғиз халқининг ҳам айни муддаосидир.

Андижон, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қизғин фаолият кўрсатаётган Қирғиз маданий марказларининг ташаббуси билан шу йилнинг 2 июнида республика Қирғиз маданий маркази иш бошлади.

Улуғ мақсадларнинг бирлашуви, қардош, қондош миллатларнинг яқинлашуви туфайли халқларимиз тарихи мукаммаллашиб, унутилаёзган урф-одатларимиз, қадриятларимиз қарор топиб бормоқда.

«Манас» эпосининг минг йиллиги муносабати билан Қирғизистоннинг Талас водийсида бўлиб ўтган тарихий анжуман чинакам халқ байрамига айланди.

Туркистон ўлкасида аёллардан биринчи генерал унвонини олган «Олой маликаси» — Қурбонжон Додхо энамизнинг 180 йиллик тўйини Ўзбекистон ва Қирғизистонда бирдек шодиёна билан нишонлаш тараддуди кўрилмоқда.

Марказий Осиёнинг юраги бўлган Ўзбекистон диёрида, юртбошимиз таъкидлаганидек, катта табиий иқтисодий имконият мавжуд. Қолган республикалар ҳам ўз имкониятларига эгаки, бу беш мамлакат халқлари ҳамкорликда ҳаракат қилсалар ҳам иқтисодий, ҳам маданий, ҳам маънавий камолотга эришмоғимиз, шубҳасиз.

Ўзбекнинг пахтаси, қозоқнинг дони, туркманнинг нефти, қирғизу тожикнинг электр қуввати бир-бирларига мадад бўлса, халқларимиз янада тўқ ва хотиржам яшайдилар.

Негаки, туркий халқларнинг тарихигина эмас, келажаги, азалий орзулари ҳам бирдир.

Аброр КАРИМОВ,
Қирғиз маданий маркази раиси, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари.

ДЎСТ ДЎСТГА ҚАНОТ

Атрофингни қўрғон билан эмас, дўстлар билан ўра.

Қирғиз халқ мақоли.

***

Дўстсиз бошим —
Тузсиз ошим.

Қозоқ халқ мақоли.

***

Кенгашганга кенг майдон,
Талашганга тор майдон.

Ўзбек халқ мақоли.

***

Яхши дўст қариндошдан афзалдир.

Тожик халқ мақоли.

***

Дўст дўст учун қалъадир,
Қадри бўлмаса балодир.

Туркман халқ мақоли.

Туркман ва қозоқ адиблари ҳаётидан шиғил ҳикоялар

ЖИЛМАЙГАНИМ ЎЗИ ЕТАРЛИ

Маммет Сейидов шеър ёзишга кўпроқ вақт қолсин деб «Совет адабиёти» журналида ярим маошга ишлай бошлаган кунлар. Бир куни Беки оға ўз ходимлари — ёзувчилар Какали Бердиев, Башим Отаев, Ота Суюновлар билан ҳангома қилиб чой устида латифа айтишиб ўтирган экан. Даврадагилар барчаси қаҳ-қаҳ отар экану, Маммет шоир илжайибгина қўяр эмиш. Буни кўриб ҳайрон бўлган Беки оға Сейтеков Маммет шоирдан:

— Сенга нима бўлди, ё менинг латифаларим ёқмаяптими? — деб сўрабди.

Шунда Маммет шоир:

— Ўртоқ бош муҳаррир, мен сизнинг қўлингизда ярим штатда ишлайман. Жилмайганим ўзи етарли, тўла кулишга ҳаққим йўқ, — деган экан.

* * *

Берди Кербобоевнинг «Махтумқули» спектакли қўйилаётганда катта танаффусда кимдир театрнинг иккинчи қавати (балкон)дан қичқирди:

— Беки, ҳой Беки! Боя Махтумқули шоир «виждон» деган сўзни икки-уч марта тилга олди, нима дегани бу ўзи?

Беки оға шу лаҳзадаёқ жавоб қайтарди:

— Сенда йўқ нарсани сенга қандай тушунтирсам экан-а?

РАДЛОВ БЕКОР АЙТИБДИ

Қозоқ адиби Асқар Сулейменовга бир дўсти ҳовлиқиб шундай дебди:

— Биласанми, Радлов қозоқларни Шарқнинг французлари деб атаган экан!

— Радлов шундай деган бўлса хато айтибди!

— Нега ундай дейсан? Қозоқни шундай деб улуғласаю сен...

Шунда Асқар Сулейменов:

— Яна қайтариб айтаман: Радлов бекорларни айтибди. Қозоқлар Шарқнинг французлари эмас, французлар Оврўпанинг қозоқлари деса тўғри бўлар эди... — деган экан.

* * *

Бир талаба йигит Собит Муқоновдан:

— Сиз бир ўтиришда неча бет ёза оласиз? — деб сўрабди.

— Мен гўштни кўп ейдиган қозоқман, — дебди Собит оға ҳазиллашиб, — агар гўштга бир тўйиб олсам борми, шу ўтиришда бир босма тобоқ нарсани ҳам ёзиб ташлайман.

ҒОЛИБ тайёрлади.



Тожик оқсоқоли

Ўзбек бешиги



Туркман отахони

«ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ»га бағишланган саҳифаларни Норқобил ЖАЛИЛ, Салим АШУР, Алимқул СУЛТОН тайёрладилар.

Маҳмон ЖУМАБОЕВ

ТУРКИСТОН

Туркистон — икки дунё эшигидир,
Туркистон — ер туркининг бешигидир.
Туркистонда туғилишдай энг ажиб бахт
Туркийларга тангри берган насибидир.

Қадимда бул юрт номи эди Турон,
Туронда мард туркийлар тутган макон.
Туроннинг тақдири бор айқаш-уйқаш
Бошидан кечган унинг не бир замон.

Туроннинг гармселдай тарихи бор,
Ўт бўлиб кўкка ўрлар у шиддаткор.
Туроннинг ерин-сувин ёддан билган
Туркийга теран хаёл ҳамиша ёр.

Туроннинг ҳадсиз-чексиз чўли қандай,
Денгиздай канори йўқ кўли қандай!
Туроннинг дарёлари, ўзанлари
Бир тошса, чўлни босган сели қандай!

Туроннинг тоғлари бор кўкдан ошган,
Бошини мангу оппоқ сочлар босган.

Бағрида эрка булоқ ўйноқлайди,
Тоғ аро зилол сувлар тўлиб-тошган.

Чўллар бор, ел югурмас, сап-сариқ қум,
Мозордай, ҳеч бир ун йўқ, сукутда, жим.
Жон-жонвор бўлармиди чексиз қумда,
Ўйнаса пари ва жин ўйнар балким.

Туроннинг денгиз каби кўллари бор,
Мавж урар чексиз-ҳадсиз Денгиз, Орол.
Бир четда хосиятли Иссиққўлнинг
Бағрида дунё кўрган туркий кўкёл.

Окс, Яксарт — Жайхун, Сайхун оқа келган,
Туркийлар бул икковин, дарё деган.

Муқаддас икки дарё ёқасида
Боболар мозори бор — азиз маскан.

Туроннинг Тян-Шандай тоғи қалай,
Жуфт бўлмас Тян-Шанга тоғлар талай!
Мард туркни беихтиёр олқишларсан
Кўкка теккан Хонтангрига қарай-қарай.

Балхашни оғушлаган Тарбағатай,
Жўтали, ер киндиги — Помир, Олой.
Қозиқурт хосиятли тоғ бўлмаса,
Тўфонда Нўх кемаси тўхтар қалай?

Туроннинг ери ҳам ёд, эли ҳам ёд,
Қуюндай бошдан кечган куни ҳам ёд!

Шоҳлик қуриб, Туронни бийлаб турган
Мозийда энг машҳур хон Афросиёб.

Азалдан бул юрт чалган мардлик қуйин,
Биласан тарих очсанг Турон жойин.
Хосиятли Туронга хумор бўлган
Аввалда Кайхисраву Зулқарнайн.

Ер юзида Турондай ер бормикан?
Туркийлар каби ё бир эл бормикан?
Ўткир ақл, ўтли ғайрат, югурик хаёл,
Туроннинг эрларидай эр бормикан?

Туроннинг Тарағайдай бийлари бор,
Ундан Темур туғилган — ўт, шиддаткор.

Ўт сочиб ер юзига улуғ Темур,
Чақмоқдай чарақлаган такрор-такрор.

Туронни мақтамасман ўзим якка,
Шусизоқ номи кетган ҳамма ёққа.
Олим борми фалакнинг сирин очиб,
Билимда тенглашолса Улуғбекка?!

Тоза қон — турк қонидир хосиятли,
Шул қондан — Ибн Сино Абу Али.
Сеҳр десанг арзийди мўл билимин,
Туғилдими бундай одам ерда ҳали?

Туркийнинг ким билмайди мусиқасин,
Форобий жаранглатди уд ноласин.

Чертганда тўқсон тўққиз турлантириб,
Юпаниб ким тиёлди кўзнинг ёшин?

Туронда турк ўйнаган мисли чақмоқ,
Туркдан бошқа ўт-олов жон борми шундоқ?
Туркийлар энчи олишиб тарқалганда
Қозоқда қолмаганми қора шангроқ?

Турон бу — арслонларга ватан бўлган,
Туронда қозоғим ҳам хонлик қурган.
Қозоқнинг қашқа йўлли Қосимхони
Туроннинг талай ерин бийлаб турган.

Одил хон кам бўлмади Назардайин,
Алашга Есимхоннинг йўли тайин.
Тавкедай донишманд хон қурган экан
Култўбанинг бошида Қурултойин.

Бул Турон азалданоқ Алаш ери,
Туронсиз тарқалмаган ҳеч хумори.
Туроннинг тупроғида тинчлик топган,
Алашнинг арслони Абилай эри...

Хуморлаб ким изламас туққан элин,
Тулпор ҳам қўмсамасми туққан ерин?
Шимолнинг шоввозлари — қалин алаш,
Турон ҳам, била билсанг — сенинг еринг!

Аввалда Окс, Яксарт — Жайхун, Сайхун,
Туркийлар дарё деган бул икковин.
Муқаддас икки дарё ёқасида
Бобонгнинг мозорини топгил, сиғин!

1922 йил, Тошкент.

Қозоқчадан Азим СУЮН ва Музаффар АҲМАД таржимаси.



"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ туркумидаги автомобилларни,
МТЗ экскаваторлари ва тракторларини,
автомобиллар ва тракторлар учун
бошланғич бутликдаги: *Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М* двигателларини ва
уларнинг ёнилғи қурилмаларини
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11, 54-62-43,
54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

Даврон

"ДАВРОН" ЖАМОА САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Эркаклар учун
- Покистонда ишлаб чиқарилган турли ўлчамдаги жинси шимлар;
- Эронда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари;
- Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган чармдан тайёрланган оёқ кийимлари;
- Чармдан тайёрланган мавсумбоп куртка ва пальтолар;
- Эркаклар пайпоқлари.

Аёллар учун
- Голландия ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган турли-туман кийим-кечаклар;
- Германия, АҚШ мамлакатларида ишлаб чиқарилган турли хил атир-упалар, кремлар, соч бўёқлари, соч ювиш воситалари, лаб ва қўл бўёқлари;
- Покистонда ишлаб чиқарилган ранг-баранг газламалар.

Болалар учун
- Покистонда ишлаб чиқарилган жинси шимлар;
- Турли ёшдаги қизалоқларнинг бежирим кийим-кечаклари.

Шунингдек, Эрондан келтирилган сирка, лимон шарбати, майонез, турли хилдаги қандолат маҳсулотлари ҳамда печеньелар, салқин ичимликлар.

Мана шулар билан бир қаторда Швейцарияда ишлаб чиқарилган эркаклар ҳамда аёллар қўл соатлари, ундан ташқари, хорижий фармацевтика фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни ҳам
ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.
Барча турдаги маҳсулотлар учун тўлов усули турлича.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчасидаги савдо растаси, "Даврон" дўкони. Мўлжал: Ҳамза номли театр биноси рўпараси.
Телефонлар: 44-52-88, 44-65-63. Факс: 44-65-71.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!
"Копіса U-BIX"
нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.
Кафолат - бир йил.
Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.
Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.
Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан "Ўқувчи" номли янги омонат турини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
"Ўқувчи" омонати — бу фарзандларингиз учун ажойиб совғадир!
"ЎҚУВЧИ" омонати бу:
- *миқдори камида 10 сўм бўлган,*
- *йилига 60 фоиз даромад тўланадиган,*
- *нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган,*
- *юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.*
- *"Ўқувчи" омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.*
- *"Ўқувчи" омонати 12-18 ёшдаги ёшлар омонатидир!*

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ.
Маълумотлар учун телефонлар:
45-35-49, 33-78-02, 33-51-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ

Ташкилот Янги йил совғаларини

(Исроилдан келтирилган) пул ўтказиш йўли билан улгуржи сотмоқда. Ҳар юзинчи совға-бепул!

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 57-уй, 29-офис.
Телефон (3712) 54-77-17

РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА КИТОБ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТМОҚДА ВА УЛАРГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

I. "ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ" (2 жилдлик). Безаклари рангли, биринчи жилди нашрдан чиқмоқда. Иккинчи жилди келгуси йил чоп этилади. Биринчи жилднинг тахминий нашриёт баҳоси 30 сўм, иккинчи жилди — 40 сўм.

II. "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" (ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларида). Китоб 1996 йил чоп этилади. Тахминий нашриёт баҳоси 100 сўм.

III. "ОЛТИН ВОДИЙ ЭРТАКЛАРИ". Болаларга мўлжалланган ва нашрдан чиққан, безаклари рангли бу китобнинг нашриёт баҳоси — 14 сўм.

Шунингдек, нашриёт юридик ва жисмоний шахслардан бошқа китоб ва турли матбаа маҳсулотларини нашр этишга тайёрлаш бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: 700129, Тошкент ш. Навоий, 30.
Тел: 44-22-53, 44-12-61, 44-17-59.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. Ҳажми 2 босма табоқ. Г -- 0490.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.